

Ҳиндистондаги масжидлар қуёш энергияси таъминотига ўтказилмоқда



16:10 / 09.10.2018 1845

Ҳиндистондаги масжидларнинг қуёш энергияси таъминотига ўтказилиши сезиларли равишда электр энергиясининг тежалишига олиб келмоқда.

Масалан, Мумбай шаҳрининг Бандра туманидаги жоме масжиди қуёш энергияси таъминотига ўтказилганидан кейин электр таъминоти сарф-харажатларнинг 75%га қисқаришига эришди, деб хабар қилмоқда Hindustan Times нашри.

Масжид ҳомийлар кенгаши аъзоси Авеш Шайхнинг айтишича, тарихий бинонинг томига юқори технологияли тизимга асосланган қуёш панеллари ўрнатилганидан кейин унинг ҳар ойлик электр энергиясига харажатлари 50 минг рупийдан 10,5 минг рупийгача тушиб кетган.

Шу йилнинг август ойида Свами Вивекананда кўчасидаги жоме масжиди томига 92 та қуёш панеллари ўрнатилди. Бу тизимнинг қуввати 26 та кондиционер, масжидни ёритиш ва бошқа асбоб-ускуналарнинг энергия таъминотига етиб беради. Ҳаттоки ёғингарчилик кунларида ҳам панеллар электр энергиясини ишлаб чиқараверади. Панелларни ўрнатувчиларнинг фикрига кўра, коммунал тўловларга сарф-харажатларни тежаш ҳисобига янги тизимни ўрнатишга кетган харажатлар ўрни яқин 3,5 йил ичида ўзини қоплайди.

Islom.uz портали таҳририяти